ИБРАГИМОВ Элдор
Ўзбекистон халқаро ислом академияси Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш UNESCO кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди

КОНФЕССИЯЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

ОПЫТ УЗБЕКИСТАНА В УКРЕПЛЕНИИ МЕЖКОНФЕССИОНАЛЬНОЙ ТОЛЕРАНТНОСТИ

UZBEKISTAN'S EXPERIENCE IN STRENGTHENING INTERCONFESSIONAL TOLERANCE

Аннотация: *Ўзбекистон асрлар давомида турли дин, маданият ва турмуш тарзига эга халқларнинг биргаликда яшаши ва ҳамкорлиги маркази бўлиб келган. Мамлакатда динлараро соғлом мулоқотдан кўзланган мақсад ўзаро адоват кайфиятининг олдини олиш, ўзаро ҳурмат асосида динлараро муносабатларни ўрнатиш ва диний конфессияларнинг тинч-тотув яшашини таъминлаш, энг муҳими, тинчлик маданиятини шакллантиришдан иборат. Ўзбекистонда шаклланган диний бағрикенглик анъаналари бошқа давлатлар учун ҳам намуна бўла олади.*

Калит сўзлар: *дин, диний бағрикенглик, конфессия, эътиқод, виждон эркинлиги, миллатлараро ҳамжиҳатлик, жамият хавфсизлиги.*

Аннотация: *Узбекистан на протяжении веков был центром сосуществования и сотрудничества народов с разными религиями, культурами и образом жизни. Целью здорового межрелигиозного диалога в стране является предотвращение настроения взаимной враждебности, установление межрелигиозных отношений на основе взаимного уважения и обеспечение мирного сосуществования религиозных конфессий и, самое главное, формирование культуры мира. Сформировавшиеся в Узбекистане традиции религиозной толерантности могут служить образцом для других стран.*

Ключевые слова: *религия, религиозная толерантность, конфессия, вера, свобода совести, межнациональное согласие, безопасность общества.*

Annotation. *Uzbekistan for centuries has been a center of coexistence and cooperation of peoples with different religions, cultures and lifestyles. The goal of a healthy inter-religious dialogue in the country is to prevent a mood of mutual hostility, establish inter-religious relations based on mutual respect and ensure the peaceful coexistence of religious confessions and, most importantly, the formation of a culture of peace. The traditions of religious tolerance formed in Uzbekistan can serve as a model for other countries.*

Key words: *religion, religious tolerance, confession, faith, freedom of conscience, interethnic harmony, social security.*

КИРИШ

Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудида яшаган халқлар асрлар давомида мураккаб тарихий жараёнларни бошдан кечирганлар. Турли синов ва қийинчиликларни енгиб ўтишда ҳалоллик ва поклик, дўстлик ва ҳамкорлик, яхшилик ва ҳамдардлик каби умуминсоний қадриятлар муҳим аҳамият касб этган. Муҳим савдо йўлларининг Ўзбекистон ҳудудидан ўтганлиги, кўплаб давлатлар билан иқтисодий, маданий алоқалар қилгани диний ва маданий ҳаётга катта таъсир кўрсатган. Буюк Ипак йўли шунчаки қатнов йўли бўлмай, балки Шарқ ва Ғарбнинг мулоқот воситаси ҳам бўлиб хизмат қилган. Марказий Осиё эса унинг энг муҳим боғловчи ҳалқаси ҳисобланган. [15:1]. Минтақада ранг-баранг маданиятлар фаолият кўрсатгани аҳолининг юқори маънавиятли менталитетга эга бўлишига таъсир қилган.

Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси миллий ривожланишимизнинг янги босқичини бошлаб беради ҳамда *турли дин, маданият ва турмуш тарзига эга халқларни* умумий мақсадлар йўлида бирлаштириб турадиган яхлит маънавий асос ва мезонга айланитиради.

Мана шу янгиланиш жараёни мобайнида фуқароларнинг эътиқод ва виждон эркинлиги, диний мансублигидан қатъи назар тенглиги ва диний бағрикенгликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш ҳамда уларни умуммиллий ғоя – юртимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги сари бирлаштириш зарур. Зеро, "Бугунги Ўзбекистон ҳам – кечаги Ўзбекистон эмас" [2:21].

Бугунги кунда юртимизда аждодларимизнинг буюк ва улуғвор меҳнати ҳамда меъросини ўзида мужассам этган диний қадриятлар ҳаётга қайтарилмоқда. Бундай уйғониш жараёни нафақат ислом динида,

балки бизнинг жамиятимиз учун анъанавий бўлган бошқа конфессиялар доирасида ҳам кечмоқда. Бунда, бизнингча, жамиятимизда кечаётган ўзгаришларнинг муҳим характерли белгиси ўзининг ифодасини топган. Зеро, бундай янгиланиш жараёнисиз халқимиз, бутун жамиятимизнинг тўла маънодаги маънавий уйғониши ҳақида гапириш мумкин бўлмайди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Халқаро ҳамжиҳатлик йўлида ҳар бир инсон, жамоа ва миллатлар башариятнинг турли-туман маданиятлардан иборат эканини англаши ва ҳурмат қилиши жуда муҳимдир. Бағрикенгликсиз демократия асослари ва инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлаб бўлмайди. Тинчликсиз тараққиёт ва демократия бўлмагани каби, бағрикенгликсиз тинчлик ҳам бўлмайди.

Кўп миллатли ва кўп конфессияли мамлакатимизда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенглик соҳасида олиб борилаётган изчил давлат сиёсати турли миллат ҳамда барча диний конфессия вакилларининг эмин-эркин яшашлари учун мустаҳкам асос яратди. Бугунги воқелик бунинг ёрқин исботидир.

Халқаро ҳамжамият Ўзбекистоннинг диний бағрикенглик борасидаги илғор ташаббусларини бир овоздан қўллаб-қувватланмоқда. 2018 йил 12 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида муҳтарам Президентимиз томонларидан таклиф этилган “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюция қабул қилинди. Мазкур резолюцияда бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги ўзаро ҳурмат, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, динлараро муроса ва ўзаро англашувнинг нечоғли зарурлиги, динлар ва маданиятлараро муносабатлардаги уйғунликни рағбатлантириш ҳамда дин ва эътиқодлар замиридаги камситишларга йўл қўйилишига қарши курашишнинг муҳимлиги қайд этилган.

Мамлакатимизда турли конфессиялар вакилларига ўз диний маросимларини ўтказиш ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Бу борадаги ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Конституцияси, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунда ҳамда бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳозирги пайтда, республикада давлат ва дин муносабатлари қуйидаги тамойиллар асосида олиб борилмоқда:

– диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;

– диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;

– диний эътиқодга эга фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;

– маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш;

– диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўймаслик.

Юртимизда фаолият кўрсатаётган турли эътиқод вакиллари ҳам давлатимизнинг бу сиёсатини тўғри тушуниб, қўллаб қувватламоқдалар. Масалан, митрополит Владимирнинг: “Православлик ва Ислом икки ҳил дунёқарашни ўзида мужассам этган динлар эканини таъкидлаш жоиз. Шу боис, илоҳиёт борасидаги турли мунозаралар, христианлик ва мусулмонликнинг нозик таълимотлари ҳақидаги баҳслар кераксиз ва зиён етказиши мумкин. Биз орамиздаги фарқларни кескинлаштирмасдан, балки бир-биримизнинг маданият ва эътиқодимизга ҳурмат нуқтаи назаридан қарашга ҳаракат қилмоғимиз керак” [4:45] – деган сўзлари унинг бу борада ҳамоҳанг фикрда эканлигидан дарак беради.

Немис Евангель-лютеран черкови епископи К.Вибе: “Конфессияларарo мулоқот доимий ўтказилиб туриши керак. Унда ҳар бир конфессия вакили ўз фаолияти ҳақида гапирар экан, албатта миллатлараро ва конфессияларарo низолар келиб чиқмаслиги учун нима қилгани ҳақида тўхтаб ўтиши керак” [5:135] – деб таъкидлаган.

Ўзбекистон Библия жамияти ижрочи директори С.Митин: “Диний бағрикенглик ва қонун устуворлиги – бу кўпмиллатли давлат қурилиши лозим бўлган пойдеворнинг бир қисмидир” [6:48], – деган нуқтаи назарни илгари суради.

Арман апостол черкови вакили К.Сафарова ўз мақоласида: “Ҳеч ким ўз динини бошқаларга тиқиштириш ёки бошқа эътиқоддагиларни камситиш ҳуқуқига эга эмас»лигини таъкидлаб, Фридрих Великийнинг «Ҳамма динларга сабр билан муносабатда бўлмоқ даркор, чунки ҳар бир инсон нажотга ўз йўли билан эришади”

[7:125], деб айтган сўзларига таяниши Арман черкови ҳам юртимиздаги диний бағрикенглик тамойилларини қўллаб-қувватлашидан далолат беради.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда эътиқод эркинлиги ва диний бағрикенглик ўз-ўзидан амалга ошадиган воқелик эмас. Гарчанд дин давлатдан ажратилган бўлса-да, аммо бу соҳани муттасил кузатиб бориш, мувофиқлаштириш эътиқод эркинлигини таъминлашнинг энг муҳим шартларидан биридир. Бу борадаги ишлар давлатимиз томонидан тартибли ва тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда, Ўзбекистонда 16 та диний конфессияга мансуб 2333 та диний ташкилот фаолият юритмоқда. Шундан, 2 142 таси исломий, 174 та христиан диний ташкилоти, 8 та яҳудий, 6 та баҳоий жамоалари, 1 та кришнани англаш жамияти, 1 та буддавийлар ибодатхонаси ва 1 та Ўзбекистон Библия жамияти.

“Конфессияларо уйғунликни таъминлашда Ўзбекистон тажрибаси” мавзуига бағишлаб Белгияда 2008 йил 12 февралда ўтказилган халқаро семинарда Левен католик университети профессори Ю.Янсеннинг “Ўзбекистон толерантлик ва диний сабр-тоқатлилик руҳини асраш ва ривожлантириш бўйича бошқа кўпгина давлатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин”лиги [8:3] ҳақидаги қарашлари юртимизда бу соҳада олиб борилаётган ишлар муайян натижалар бераётганини кўрсатади.

Албатта, диний бағрикенглик жамиятдаги кўпконфессиялик шароитида алоҳида аҳамият касб этади. Зеро бундай шароитда у жамият барқарорлигини, ижтимоий ва миллатлараро тотувликни таъминлашнинг, демакки, ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили сифатида чиқади. Бундай хулосани социологик тадқиқот натижалари ҳам тасдиқлайди. “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан “Республикада диний бағикенгликнинг таъминланиш даражаси” мавзуида турли миллат вакиллари ўртасида ўтказилган социологик тадқиқотлар “толерантлик – кучли бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат қуриш мақсади остида бирлашган кўпконфессиялик халқимиз ҳаётига сингиб кетган”идан [9:3] далолат беради.

Асрлар давомида инсоният ўзида ўзгача эътиқод вакилларига нисбатан ҳам эътибор билан муносабатда бўлиш, уларнинг диний қарашларига нисбатан ҳурмат ҳиссини намоён қилишдек хислатларни ҳам шакллантирди. Бошқача айтганда, диний бағрикенгликнинг, замонавий тилда ифодалаганда, диний толерантликнинг ҳам илдизлари узоқ мозийга бориб тақалади. Диний бағрикенглик ҳамиша адоватга қарши ўзига хос қалқон вазифасини ўтаган. У турли эътиқодларнинг бир замон ва маконда биргаликда мавжуд бўлишига, уларга эътиқод қилувчилар ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг шаклланишига йўл очган. Бу эса ўз навбатида юрт тинчлиги ва тараққиётига, умуминсоний маданият ва маънавият ривожига хизмат қилган.

70 йил давомида атеистлар халқ қалбидан ҳақиқий эътиқодни сиқиб чиқаришга уриндилар. Диний қадриятларни турли баҳоналар билан оёқ ости қилдилар. Бунинг оқибатида бебаҳо маданият – архитектура ёдгорликлари, масжиду мадрасалар, черковлар, халқнинг тарихий хотираси, маънавияти, дунёқараши муҳрланган солномалар, диний асарлар ва қўлёзмалар йўқ қилинди. Шу нуқтаи назардан қараганда, 1920-30 йиллар айниқса оғир кечганини таъкидлаш зарур. Масалан, 1929 - 1930 йилларда Туркистон ҳудудида 14 минг масжид ёқиб юборилган. Биргина Тошкентда 1911 йилда 26 мадраса бўлса, шулардан 1930 йилларда 23 таси вайрон қилинган. [10:93]. Кейинги йилларда ҳам бундай ҳолатлар давом этди. Масалан, 1950 йиллардан кейинги даврда 20 минг яқин ёдгорликлар бузиб ташланди. Фарғона водийсида тарихий ёдгорликларнинг учдан бир қисми сақланиб қолган, холос. [11:25-27].

Бу даврда нафақат ислом дини вакиллари, балки бошқа динлар вакиллари кўплаб ҳам азият чекдилар. “Большевиклар православие ва исломга бир хилда ғазаб билан тажовуз қилдилар. Бу ўлкада улар ибодатхоналарни портлатдилар, масжидларни ёқдилар. Ўша чекистларнинг ўзлари руҳонийни ҳам, муллани ҳам қамадилар” [12:50], – деб таъкидлайди митрополит Владимир. Рим-католик черкови Ўзбекистондаги собиқ ординариуси К.Кукольканинг костел биноси тарихига тўхталар экан совет даврида “Костел биносини турар жойга мослаштириб, ҳар хил мақсадларда фойдаланилди. Турли йилларда бу бинога кабель заводи ётоқхонаси, республика акушерлик мактаби ётоқхонаси, Ўзбекистон тиббиёт техникаси бошқармаси ва омборхонаси,

орган музикаси зали жойлаштирилган”и [13:156] ҳақидаги маълумотларни келтириши ҳам ўша даврларда барча дин вакилларига салбий муносабат кўрсатилганидан далолат беради.

Евангель-лютеран черкови ибодатхонаси – 100 йилдан ортиқ тарихга эга бўлган кирха тақдирида ҳам шундай жараёнлар бўлиб ўтган. Бу ҳақда В.Корнелиус қуйидаги маълумотларни келтиради. “1937 йил кирха ёпилганидан сўнг, то Иккинчи жаҳон урушига қадар бўш ётди. Уруш даврида омборхона вазифасини ўтади. Кейинчалик уни икки қаватга мослаштирилиб, Геология бошқармаси жойлаштирилди. Итбоқарлар жамияти, милиционерлар ётоқхонаси сифатида фойдаланилган”. [14:158].

Минглаб ёдгорликлар умуман ер юзидан йўқ қилиб юборилди, кўплари эътиборсиз қолиши ёки турли омборхоналару ҳаммомларга айлантирилиши оқибатида ўзининг асл кўринишини йўқотди.

ХУЛОСА

Давлат ва диний ташкилотлар ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари давлат томонидан қабул қилинган қонун-қоидалар асосида тартибга солинади. Ўзбекистонда диний соҳада “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунга амал қилинади. Бу қонун моҳиятига кўра толерантлик тамойилига асосланган.

Ҳар бир диний конфессия ўз мафкурасига эга. Шундай экан конфессияларо ҳамжиҳатлик бу ўз-ўзидан вужудга келадиган ҳолат эмас, балки турли давлат муассасалари, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари фаолияти орқали амалга ошадиган давлат миллий сиёсатининг натижасидир.

Тинч ва фаровон ҳаёт кечириш барча дин вакилларининг олий мақсадидир. Бундай ҳаётни таъминлашнинг тамойилларидан бири динлараро тотувлик ва бағрикенгликдир. Ўрта Осиёдаги конфессияларо муносабатлар ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик асосида шаклланган дир. Бу ҳурмат ва бағрикенглик турли динлар вакилларининг мураккаб тарихий жараёнлар синовларини мардонавор енгиб ўтишлари натижасида қарор топган.

Ўзбекистонда шаклланган диний бағрикенглик анъаналари бошқа давлатлар учун ҳам намуна бўла олади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – 464 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // “Халқ сўзи” 2017 йил, 20-сентябрь, № 189 (6883).
4. Архиепископ Владимир (Иким). …А друзей искать на Востоке (Православие и Ислам: противостояние или содружество?) – Т., 2000. –С. 45.
5. Вибе К.К. Мир и благодать нашему дому // Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик – тараққиёт омили / Таҳрир ҳайъати: З.Ҳуснидинов, А.Ҳасанов, Қ.Назаров ва б. –Т., 2001. – Б. 135.
6. Митин С. Веротерпимость и торжество закона // Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – тараққиёт омили / Таҳрир ҳайъати: З.Ҳуснидинов, Т.Алимов, А.Ҳасанов ва б. –Т., 2003. – Б. 48.
7. Сафарова К. Помни об истоках… // Ижтимоий фикр.Инсон ҳуқуқлари журнали. – Т., 2002. – № 4. – С.125.
8. Межрелигиозное согласие – фактор процветания общества // Uzbekistan today/ – 2008. – 14 февраля.
9. Толерантность – путь к миру и согласию // Новый век. – 2007. – 22-28 ноября.
10. Абдусамедов А. Социал тараққиёт ва ислом. Т.: Ўзбекистон. – 1984. – Б. 93.
11. Ибрагимов Н. Нет народа без храма…// Человек и политика. – 1991. – № 10. – С. 25-27.
12. Рядом с исламом. Беседа корреспондента «Независимой газеты» Юрия Егорова с главой Ташкентской и Среднеазиатской епархии Русской Православной Церкви архиепископом Владимиром // Восток свыше / духовное и литературно-историческое издание. – Т.: 2001. – вып. 1. – С. 50.
13. Куколка К. Из истории католичество в Узбекистане (вторая половина XIX-XX век) // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – Т., 1999. – № 3-4. – Б.156.
14. Корнелиус В. Евангелическо-лютеранская церковь // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – Т., 1999. – № 3-4. – Б. 158.
15. Мирзаев Р. Фердинанд Рихтгофен – «Буюк Ипак йўли» атамасининг асосчиси // Мозийдан садо журнали. – Т., 2005. – 28 апрель. – № 1. – Б. 13.
16. Тошбоев С.Д. Конфессияларо тотувлик – тинчлик ва барқарорлик омили // – Тошкент: Янги Ўзбекистон. 2021 йил 12 октябрь, № 202(458).
17. General Conference of UNESCO (Resolution No. 5.61/1995.28.11), UN General Assembly (Resolution No. A / RES / 51/95-1997.)
18. UN General Assembly (Resolution No. A / RES / 73/c128).